

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

КАЛАНХОДЖАЕВА ШАХНОЗА БАХТИЯРОВНА

БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ТУҒМА ДИСФУНКЦИЯСИ
БИЛАН АЁЛЛАРДА КЛИНИК - ГОРМОНАЛ,
МЕТАБОЛИК ВА ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАР

14.00.03 – Эндокринология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каланходжаева Шахноза Бахтияровна

Буйрак усти беги туғма дисфункцияси
билан аёлларда клиник-гормонал, метаболик
ва ижтимоий хусусиятлар..... 3

Каланходжаева Шахноза Бахтияровна

Клинико-гормональные, метаболические и
социальные аспекты у пациенток с врожденной
дисфункцией коры надпочечников..... 25

Kalanhodjaeva Shahnoza Bahtiyarovna

Clinical-hormonal, metabolic and social aspects
for patients with congenital adrenal hyperplasia..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

КАЛАНХОДЖАЕВА ШАХНОЗА БАХТИЯРОВНА

БУЙРАК УСТИ БЕЗИ ТУҒМА ДИСФУНКЦИЯСИ
БИЛАН АЁЛЛАРДА КЛИНИК - ГОРМОНАЛ,
МЕТАБОЛИК ВА ИЖТИМОЙ ХУСУСИЯТЛАР

14.00.03 – Эндокринология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib448 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдарова Феруза Алимовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Урманова Юлдуз Маҳкамовна
тиббиёт фанлари доктори

Нуриллаева Наргиза Мухтархановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қозоғистон узлуксиз таълим тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Форобий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Ташкент шаҳри, Олмазор тумани Форобий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: +99871-150-78-25).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б. Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С. И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси (ББҚТД) – бу касаллик гуруҳининг ирсийлиги бўйича аутосом-рецессив тури бўлиб, унинг асосида кортизол ва альдостерон биосинтезида иштирок этувчи буйрак усти беши қобиғи стероидогенез ферментларининг биридаги нуқсонни ўрин тутди. Ўрганилган адабиётларнинг натижалари шуни кўрсатадики, «касалликнинг 95% 21-гидроксилаза ферменти фаоллигининг пасайиши билан боғлиқдир. ББҚТД учраш сони 1:27дан 1:42000гача бўлиб, бу кўрсаткич кузатилаётган аҳоли ва касаллик шаклига боғлиқ бўлади»¹ Аҳоли орасида касалликни учраш сони 0,6%дан 9 %гача ўзгаради, «...ББҚТДнинг энг кўп тарқалган шаклининг асосида СҮР21А2 гени мутацияси ётади, у 21-гидроксилаза стероид (P450c21) номи остидаги ферментни кодлайди. 21-гидроксилаза даражасидаги энзиматик блок натижасида буйрак усти беши қобиғида холестериндан кортизол ва альдостерон биосинтези бузилиши қатор олимларнинг ишларида...»² исботланган. Клиник кўринишлари турли-туман бўлиб, турли ёшда юзага келиши ва турли ёндош ҳолатларда келиши мумкин. Бу шаклининг асосий симптомлари иккала жинсда вақтидан илгари жинсий етилиш, ўсмир ёшида жадал, кескин рўй берадиган ўсиш, гирсутизм, олигоменорея, бепуштлиқдан иборат. Касалликни кеч ташхислаш, ўз вақтида муносиб терапия ўтказилмаганлиги оғир асоратларга, жумладан, гўдак туз йўқотиш натижасидаги кризлар, қизларда ташқи гениталиялар кучли вирилизациясида жинсни танлашдаги хатолар, ўсиш ва жинсий етилишда бузилишлар, бепуштлиқ сабаб бўлиши соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда буйрак усти беши туғма дисфункцияси мавжуд аёлларда клиник-гормонал, метаболик ва ижтимоий хусусиятларни инобатга олган ҳолда касалликни ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада турли аҳоли яшаш минтақаларида истиқомат қилувчи репродуктив ёшдаги аёллар орасида гиперандрогения синдромининг учраш даражасини, буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси, тухумдонлар поликистоз синдроми ва идиопатик гирсутизм бўлган аёлларда қиёсий мезон бўйича клиник-гормонал кўрсаткичларни таҳлилини ўтказиш, хайз ва репродуктив фаолиятлари хусусиятларини баҳолашдан иборат. Буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси, ТПКС ва ИГ бўлган аёлларда метаболик ва молекуляр-генетик хусусиятларни баҳолаш, буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда руҳий-ижтимоий хусусиятларини, буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган

¹ Рахимкулова А.А Рахимкулова А. А., Ахметова В. Л., Малиевский О. А., Хуснутдинова Э. К. Врожденная дисфункция коры надпочечников: современные клинико-генетические аспекты//Медицинская генетика. – 2013а. - Т.12(6). – С.3-14.

² Романенко Е.С., Демещенко К.О. Необходимость и оправданность неонатального скрининга в ранней диагностике врожденной дисфункции коры надпочечников// Вестник совета молодых учёных и специалистов Челябинской области. – 2017. - Т.2, №2(17). – С.89-92.

аёл беморларни ташхислаш ва кузатиш алгоритмини ишлаб чиқишга қаратилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган даволаш тизимини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли эндокрин касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»¹га қаратилган муҳим вазифалар қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда буйрак усти беши туғма дисфункцияси билан аёлларда гормонал ва метаболит хусусиятларни инобатга олиш, бемор аёллардан ногирон болалар туғилишини олдини олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил, 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ББҚТДа метаболит бузилишлар комплекси етарлича кенг қамровли бўлади. ББҚТДа бемор организмига гиперандрогения, гипогонадизм, адреномедуляр етишмовчилик каби омиллар таъсир кўрсатади, бундан ташқари, артериал гипертензия, дислипидемия, инсулинрезистентлик ривожланади, углевод ва суяк алмашинуви бузилиши, фертилик, нейрокогнитив ривожланиш ва ҳаёт сифати пасайиши, кардиометаболит хавф содир бўлади [Nasir H., 2018]. Фенотипик ифодаланишларнинг турли-туманлиги оқибатида, шунингдек, клиник белгиларнинг яққол эмаслиги ташхислаш каби, ҳамда ББҚТДнинг тухумдонлар поликистоз синдроми (ТПКС) билан дифференциал ташхислаш каби маълум

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қийинчиликларга сабаб бўлади. Болалар ёшида кузатиладиган касалликнинг клиник асоратлари (вирилизация, ўсиш меъёрлари бузилиши ва тана вазни ошиши) кузатилади ва кейинги ҳаёт босқичида метаболик асоратлар (семизлик, диабет ва дислипидемия) ва юрак-томир асоратлари, остеопороз, бепуштлик ҳамда жинсий ҳаёт ва ҳаёт сифатига мажбурлик каби долзарб масалалар кўшилади. Шундай бўлишига қарамай, бирқанча тадқиқотлар натижасида ББҚТД бўлган аёллар соғлиғи учун бу омиллар маълум аҳамиятга эга эканлиги айтиб ўтилган [Arlt W., 2010; Costa-Barbosa F., 2014]. Мазкур тадқиқотлар ББҚТД беморлари ҳаёт сифатининг, айниқса, руҳий-ижтимоий жабҳаларда пасайганини кўрсатди. Шу сабаб, катта ёшли аёлларда ББҚТДнинг узок муддатли тадқиқотлари ҳозиргача долзарблигини йўқотмаган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Г.Н.Рахимова (2012) раҳбарлиги остида ташкил этилган орфан эндокрин касалликлар қайдига кўра, 49 нафар бемор, шундан 17 та болалар, 12 нафар ўсмир, 20 нафар катталар диспансер рўйхатида турадилар, бунда катталар орасида 0,2% атрофида учрайди [Рахимова Г.Н., 2015]. ББҚТД 5,4% гиперандрогенемия бўлган аёлларда; унинг ноанъанавий шакли – 8% аёлларда кузатилган [Хайдарова Ф.А., 2012].

Ўзбекистонда ПЗР услуги орқали генетик тадқиқот ўтказилишининг жорий этилиши реал вақтда бу рақамлар анча юқори бўлиши мумкин. Мазкур патологиянинг наслийлик бўйича аутосом-рецессив турини инобатга олган ҳолда, бу патологиянинг янада юқорироқ частотали аҳоли мавжудлигини ҳисобга олиш зарур, мисол учун Шимолий Кавказдаги айрим этник гуруҳларда, Ўзбекистонга ўхшаб, яқин қариндошлик никоҳлари кенг тарқалган.

Шунингдек, Ўзбекистон репродуктив ёш беморларида ББҚТДнинг клиник-гормонал, метаболик ва ижтимоий хусусиятлари ўрганилмаган ҳолда сақланиб турибди. Гипоталамо-гипофизар тизим функцияларининг барқарор бузилишлари ривожланишида буйрак усти безлари стероидларининг ўрни ББҚТДга нисбатан баҳоланмаган.

Шу каби тадқиқотларнинг ўтказилиши бепуштлик ёки аёллар сусайган фертиллигининг сурункали ановуляция, тухумдонлар поликистоз синдроми, хайз цикли лютеин фазаси етишмовчилиги сингари кенг тарқалган сабаблари патогенезини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга бўлар эди. Шу тариқа, касаллик ташхисоти, ва медикаментоз назорати оптималлашишига қарамай, ББҚТД беморларининг репродуктив тизими ҳолатига тегишли бўлган кўплаб ечими топилмаган масалалар мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТСС 13.2. «ББҚТД да СУР21 гени мутацияси бўлган бемор аёлларда ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш йўллари» (2017–2018) амалий грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади буйрак усти беши қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларда клиник-гормонал, метаболик ва рухий-ижтимоий хусусиятларни баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг тўрт худудидаги (Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Бухоро вилоятлари) репродуктив ёшдаги аёллар орасида гиперандрогения синдромининг учраш даражасини баҳолаш;

буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси, тухумдонлар поликистоз синдроми (ТПКС) ва идиопатик гирсутизм (ИГ) бўлган аёлларда қиёсий мезон бўйича клиник-гормонал кўрсаткичлар таҳлилини ўтказиш, хайз ва репродуктив фаолиятлари хусусиятларини баҳолаш;

буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси, ТПКС ва ИГ бўлган аёлларда қиёсий мезон бўйича метаболик ва молекуляр-генетик хусусиятларни баҳолаш;

буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган репродуктив ёшдаги аёлларда рухий-ижтимоий хусусиятларини ўрганиш.

буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёл беморларни ташхислаш ва кузатиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистоннинг тўрт худудида (Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Бухоро вилоятлари) истиқомат қилувчи репродуктив ёшдаги 1512 нафар аёллар олинган.

Тадқиқот предмети сифатида буйрак усти безлари қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган беморларни углевод, липид ва гормонал алмашинув даражасини баҳолаш учун қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда антропометрик, клиник, биокимёвий, гормонал, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

буйрак усти беши туғма дисфункцияси, тухумдонлар поликистоз синдроми ва идиопатик гирсутизм бўлган аёлларнинг клиник-гормонал хусусиятлари солиштирма таққослаш мезони асосланган;

гиперандрогения бўлган аёлларда 21-гидроксилаза генида мутациялар учраш сони ва мутацияларнинг тури асосида буйрак усти беши туғма дисфункциясининг ўзбек аёлларида учрайдиган ген мутациялари исботланган;

буйрак усти беши туғма дисфункцияси, тухумдонлар поликистоз синдроми ва идиопатик гирсутизм бўлган аёлларда қиёсий мезон бўйича репродуктив тизими хусусиятлари, беморларнинг клиник ва биокимёвий фарқлари аниқланган;

генотиплаш натижасида CYP21A2 генининг G1683T, T999A ва C89T гетерозигот мутацияси исботланган;

буйрак усти беши туғма дисфункцияси бўлган аёлларга хос 17-гидроксипрогестерон, тестостерон, дегидроэпиандростерон, адренкортикотроп гормон, сексстероид–боғловчи глобулинлар, андростендион ва кортизол даражаларининг референс кўрсаткичларининг ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

репродуктив ёшдаги аёллар орасида гиперандрогения синдромининг тарқалганлигини баҳолаш учун сўровнома ишлаб чиқилган;

буйрак усти беши қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган бемор аёлларни даволашнинг узок муддатли натижалари ва ҳаётларининг ижтимоий мезонларини клиник мониторинг қилиш, ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида маълумот базаси яратилган;

ББҚТД бўлган аёлларга хос бўлган 17ОНП, тестостерон, ДГЭА, АКТГ, СССГ, андростендион ва кортизол даражаларининг яқин кўрсаткичларининг аниқланганлиги ТПКС ва ББҚТДнинг дифференциал ташхиси учун тавсия этиш зарурлиги асосланган;

ББҚТД бўлган бемор аёлларни ташхислаш ва кузатиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритми мазкур тоифа беморларини ўз вақтида аниқлаш, сифатли ва мақсадга йўналтирилган даволашни амалга оширишга имкон берган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган клиник тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, антропометрик, клиник-биокимёвий, гормонал ва молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буйрак усти беши туғма дисфункцияси, тухумдонлар поликистоз синдроми ва идиопатик гирсутизм бўлган аёлларнинг клиник-гормонал хусусиятлари солиштирма тақослаш мезонининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади; қиёсий тавсиф ўтказилиши хайз ва репродуктив фаолиятининг бузилиши хусусиятлари баҳолаш тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гормонал, ультратовуш, молекуляр-генетик тадқиқотларни ўз ичига қамраб олган, келиб чиқиши турлича бўлган гиперандрогенемияни дифференциал ташхислаш алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Буйрак усти беши қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларда клиник-гормонал, метаболик ва ижтимоий мезонларни баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган натижалари асосида:

«Буйрак усти беши қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган беморларни кузатишни оптималлаштириш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил, 7 майдаги 8н-р/124-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма буйрак усти беши қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларда бемор бола туғилиш хавфини башорат қилиш, бундай беморларни эрта аниқлаш, беморларни ташхислашни қулайлаштириш ва самарали даволаш имконини берган;

Буйрак усти беши қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларда клиник-гормонал, метаболик ва ижтимоий мезонларни баҳолашни

такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Тошкент шаҳар эндокринологик диспансерлари клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 29 январдаги 8н-з/12-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ташхисот сифатини оширишга ҳамда буйрак усти бези қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларда даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг предмети ва объекти тавсифланган, республика илм ва фан технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар бўйича ва диссертация тузилмаси ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак усти бези қобиғининг туғма дисфункцияси ҳолатининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, халқаро ва маҳаллий илмий тадқиқотлар шарҳи асослаб берилган. Буйрак усти бези қобиғининг туғма дисфункцияси этиологияси ва патогенези таҳлил қилинган. Буйрак усти бези қобиғининг туғма дисфункциясининг клиникаси, ташхисоти ва дифференциал ташхиси баён этилган. Буйрак усти бези қобиғининг туғма дисфункцияси патологиясида руҳий-ижтимоий ва жинсий саломатлик, ҳаёт сифатининг замонавий мезонлари тавсифланган. Мазкур бобда шунингдек муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, ҳамда мазкур илмий ишнинг мақсад ва вазифалари ёритилган.

Диссертациянинг «**Буйрак усти беги қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларда касалликни ташхислашнинг материал ва усуллари**», деб номланган иккинчи бобида клиник материал умумий тавсифи, тадқиқотнинг гормонал-биокимёвий ва статистик услубларидан иборат.

Қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларга мувофиқ мазкур тадқиқот 3 босқичда ўтказилди. Тадқиқотнинг ҳар бир босқичида турли аёллар гуруҳлари ташкил этилди.

Биринчи босқич. Репродуктив ёшдаги аёллар скрининги. Ушбу босқичнинг мақсади: Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Бухоро вилоятлари репродуктив ёшдаги аёллар орасида гиперандроген ҳолатлар учраш сонини баҳолаш. 2017 йилда Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида «БҚТДа СУР21 гени мутацияси бўлган бемор аёлларда ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш йўллари» илмий лойиҳаси ишга туширилди, ушбу лойиҳа доирасида тадқиқотлар ўтказилди.

Етакчи ҳудудлар танлови «конверт услуби» орқали, яъни тасодифий равишда ўтказилди. Сўровнома ўтказиш вақтида Тошкент шаҳрида 635949, Тошкент вилоятида – 755685, Фарғона вилоятида – 971533 ва Бухоро вилоятида – 511814 нафар муносиб ёшдаги аёллар истиқомат қилар эдилар. Умумий ҳисобда мазкур ҳудудларда 2874988 нафар 15-49 ёшдаги аёллар истиқомат қилганлар. Тадқиқот мақсадига мувофиқ ҳар бир ҳудуд учун танловнинг оптимал ҳажми мўлжалланди.

Биринчи босқич дастурига киритилиш мезонлари: репродуктив ёшдаги аёллар (15-49); хайз функцияси бузилиши ва ёки гиперандрогенемиянинг турли белгилари (акне, гирсутизм, андроген тур бўйича соч тўкилиши); бепуштлиқ.

Истисно мезонлари қуйидагилар бўлди: тухумдонлар ёки буйрак усти безларининг андроген ишлаб чиқарувчи шишлари мавжудлиги; Кушинг касаллиги синдроми мавжудлиги; гипофиз пролактиномаси; таркибида андроген бўлган воситалар; ҳомиладорлик; туғуруқдан кейинги давр; эмизиш даври; тадқиқотгача 3 ой давомидаги гормонал контрацепция ёки ўрин босувчи гормонал терапия; тухумдонларда катта ҳажмли янги ҳосилалар мавжудлиги; кучли ифодаланган томир бузилишлари; жигар ёки буйрак функцияларининг жиддий бузилишлари; 1 тип қандли диабет; фаол шаклдаги ёки анамнезда ҳар қандай локализациядаги хавфли ўсимта мавжудлиги.

Умумий ҳисобда скринингдан фертил ёшдаги 1512 нафар аёл ўтди. Эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилгунга қадар биз томонимиздан аёллар фертиллиги бўйича сўровнома тузилди. Барча аёллар тадқиқотда иштирок этишга розилик маълумотини бердилар. Сўровномадан сўнг тадқиқотга киритилиш мезонларига мос келган аёлларга ХЦ бузилиши турини аниқлаш учун «Menstrual Cycle Diary» тўлдириш таклиф этилди.

Сўровнома натижалари бўйича 233 нафар аёл киритилиш мезонларига мос келди, улардан 25 (10,7%) нафарида шикоятлар субъектив табиатга эга бўлди. Бундан ташқари, сўровнома маълумотларининг таҳлили давомида 12 нотўғри тўлдирилган сўров қоғози аниқланган. Натижада кейинги навбатда скрининг давомида аниқланган 196 нафар аёлларнинг маълумотлари таҳлил қилинди.

Назорат гуруҳини 25 нафар гинекологик ва соматик жиҳатдан соғлом гиперандрогениянинг белгилари бўлмаган мос ёшдаги аёллар ташкил этдилар.

Барча маълумотлар биз томонимиздан тузилган ва № ВГУ2018 0001 патенти олинган ББҚТД бемор аёлларининг маълумотлар базасига киритилди.

Иккинчи босқич – ББҚТД бўлган репродуктив ёшдаги аёллар клиник-гормонал ва метаболик хусусиятларини ўрганишдан иборат бўлди. Мазкур босқич доирасида анамнестик маълумотлар, шикоятларнинг батафсил қайдномаси, ББҚТД бўйича наслий мойиллик, хавф омилларини аниқлаш бўйича сўров ўтказилди.

Жинсий аъзоларнинг вирилизацияси даражаси Прадер шкаласи бўйича аниқланди. Қиз болалар жинсий етилиш босқичлари шкала бўйича аниқланди. Акне оғирлик ҳолатини баҳолаш учун америка Дерматология Академияси таснифи қўлланилди.

Учинчи босқич – ББҚТД бўлган аёлларнинг руҳий-ижтимоий хусусиятлари баҳоланди. Ушбу босқич доирасида Quality of Life (QoL) assessment by Short Form SF-36® Health Survey ёрдамида ҳаёт сифати баҳоланди, шунингдек, ББҚТД аёллари жинсий муносиблиги Klein Sexual Orientation Grid, KSOG ёрдамида аниқланди.

Барча аёллар қуйидаги тадқиқотлардан ўтдилар: клиник-анамнестик услублар: гинеколог, невропатолог ва психиатр кўригидан иборат стандарт клиник текширув; гинекологик ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда анамнез тўплаш, бемор аёл, унинг онасида хайз ва репродуктив тизимлари бузилишлари мавжудлиги баҳоланиши, бемор аёл ва унинг онасида репродуктив давр ўзига хосликлари (ҳомиладорликлар ва туғуруқлар сони ва уларнинг кечиши хусусиятлари); хайз функциялари тўхташ вақтидаги гинекологик-акушерлик таҳлили ўтказилди (менархе ёши, хайз цикли бузилишлари юзага келгандаги ёши, циклларнинг мунтазамлиги ва давомийлиги); гирсутизм ва акнеларни баҳолаш учун тери қоламларини текшириш; сут безларининг пальпацияси; антропометрик кўрсаткичлар ўрганилди (бўй ва тана вазни ўлчанди, тана вазни индекси баҳоланди (ТВИ), БА ва БўКА ўлчанди, БА/БўКА индекси ҳисобланди). ТПКС Европа инсон репродукцияси ва эмбриологияси ассоциацияси (ESHRE) ва Америка репродуктив тиббиёти жамиятининг (ASRM) (Роттердам 2003) қуйидаги уч белгилардан иккитасини ўз ичига қамраб олган таснифига кўра, аниқланди [The Rotterdam ESHRE, 2004]: гиперандрогенемия ва ёки гирсутизм; овулятор дисфункция; УТТ текширувига кўра, тухумдонлар поликистоз тузилмаси.

Идиопатик гирсутизм меъёрий хайз цикли, андрогеннинг меъёрий миқдори ва гирсутизмнинг бирор сабаблари кузатилмаган бемор аёлларда ташхисланди.

Гирсутизмнинг ифодаланиши Ферриман-Голлвей шкаласи бўйича аниқланди.

Гормонал статус қон зардобиди 17ОНП, умумий тестостерон, ДГЭА, АКТГ, СССГ, ЛГ, ФСГ, андростендион ва кортизол миқдорлари радиоиммунологик услуб ёрдамида IMMUNOTECH (Чехия) стандарт тўпламларидан фойдаланган ҳолда аниқланди.

Углевод алмашинувни баҳолаш жараёни глюкооксидаз услуб ёрдамида «Cypress Diagnostics» (Бельгия) фирмасининг тўпламлари орқали оч қоринга капилляр қонида глюкоза миқдорини аниқлаш йўли билан аниқлашдан иборат бўлди. Инсулин миқдори радиоиммун услуб орқали аниқланди.


Қон липид спектрининг тадқиқоти ферментатив колориметрик услуб (Human, Германия) орқали аниқланди. УХС ва ТГнинг қон зардобидаги миқдори стандарт ферментатив услуб билан аниқланди, ХС, ЮЗЛП супернатантда – декстрасульфат орқали бошқа синф липопротеинлари преципитациясидан сўнг аниқланди.

Бачадон ва тухумдонларнинг ультратовуш сканерланиши «Philips HD 11 XE» ускунасида 5,0 МГц частотали трансабдоминал ва трансвагинал датчик қўллаган ҳолда ўтказилди. Генетик тадқиқотлар ФА Инсон иммунологияси ва геномикаси институти қошидаги Immunogen test ИТМда ўтказилди. Умумий ҳисобда реал вақтда СYP21 гени мутацияси тадқиқоти учун ПЦР услубидаги генетик тадқиқотларда 54 аёл иштирок этди, улардан 23 нафари ББҚТД бўлган аёллар, 23 нафари (17–ТПКС, 6–ИГ) 17ОНП миқдори кўтарилган, ҳамда 8 нафар соғлом аёллар (назорат гуруҳи)дан иборат бўлди.

Олинган маълумотлар Statistica 6.0 (StatSoft, USA) амалий дастурлар пакети ёрдамида ишланган.


Диссертациянинг учинчи боби **шахсий тадқиқот натижалари** учта бўлимдан иборат.

«Фертил ёшдаги аёлларда гиперандроген ҳолатларнинг учраш частотаси», деб номланган биринчи бўлими фертил ёшдаги аёллар орасида гиперандроген ҳолатларнинг учраш сони ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Республикаимизнинг тўрт танланган ҳудудида (Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Бухоро вилоятлари) 15-49 ёшдаги 1512 нафар аёл скрининг текширувдан ўтди. Ўртача ёш $36,9 \pm 9,9$ га тенг бўлди (Ме 37 ёш; 30,0-45,0). Текширилган аёлларнинг 434 (28,7%) нафари Тошкентда, 366 (24,2%) нафари Тошкент вилоятида, 350 (23,1%) Бухоро вилояти ва 362 (23,9%) нафари Фарғона вилоятида истиқомат қилганлар. Гиперандрогенемия (ГА)нинг клиник белгилари 233 (15,4%) нафар аёлда аниқланган, улардан 37(15,9%) нафарида шикоятлар субъектив табиатга эга бўлди. Сўровнома натижаларининг таҳлили вақтида 12 сўров қоғози нотўғри тўлдирилгани аниқланди. Умумий ҳисобда 196 (13,0%) нафар аёлда гиперандрогенемия клиник белгилари ёндошлиги аниқланди, бу ҳолат кейинроқ биокимёвий ва ускунавий тадқиқотлар билан тасдиқланди. Аниқланишича, умумий текширилган ГА беморлар миқдоридан яшаш жойига боғлиқ равишда, Тошкентда (434дан 94-21,7%) ва Фарғона вилоятида (362дан 63 – 17,4%) Тошкент вилояти (366дан 27 - 7,4%) ва Бухоро вилоятига (350дан 12- 3,4%; $\chi^2=73,74$; $df=3$; $p<0,00001$) нисбатан кўпроқ учраган (1-расм).



1-расм. Яшаш жойига боғлиқ бўлган гиперандроген ҳолатларнинг учраш сони.

Клиник-лаборатор тадқиқотлар маълумотларига кўра, гиперандроген ҳолатлар тузилмасида ББҚТД 23(11,7%)та вазиятда, ТПКС - 82(41,8%), идиопатик гирсутизм - 91(46,4%) ҳолатда кузатишган.



2-расм. Гиперандроген ҳолатлар тузилмаси.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, ББҚТД ($\chi^2=30,3$; $df=3$; $p<0,00001$) ва ТПКС ($\chi^2=44,9$; $df=3$; $p<0,00001$) бошқа ҳудудларга нисбатан Тошкент шаҳрида кўпроқ учраган, ИГ эса ($\chi^2=51,2$; $df=3$; $p<0,00001$) Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятида кўпроқ қайд этилган. Шу тариқа, гиперандрогения сони текширилаётган репродуктив ёшдаги аёл аҳолиси орасида 13,0%ни, соч меъёрдан ортиқ ўсиш шикоятлари (10,3%), хайз циклининг бузилиши (6,2% ва бепуштлиқ (3,9%) каби шикоятлар ташкил этиди. ГА бўлган аксарият аёллар Тошкент шаҳрида (21,7%) ва Фарғона вилоятида (17,4%) истиқомат қилган. ГА тузилмасида ББҚТД (11,7%), ТПКС (41,8%) ва идиопатик гирсутизм (46,4%)ни ташкил этиди. ББҚТД (65,2%), ТПКС (51,2%) Тошкент шаҳрида анча кўп учраган.

Диссертациянинг «Буйракусти беzi қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган аёлларни клиник ва гормонал кўрсаткичлари», деб номланган учинчи бобининг иккинчи бўлими 21-гидроксилаза билан боғлиқ бўлган буйракусти беzi қобиғининг туғма дисфункцияси билан касалланган аёлларнинг клиник-гормонал тавсифи келтирилган.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида ББҚТД, ТПКС ва ИГ бўлган аёлларнинг клиник-гормонал хусусиятлари ўрганилди.

Биринчи гуруҳ 23 нафар ББҚТД бўлган аёллар, иккинчи гуруҳ – 82 нафар ТПКС бемор аёллари ва учинчи гуруҳ – 91 нафар ИГ бўлган аёллардан иборат бўлди. Беморлар ўртача ёши, менархе ёши, ХЦБ (хайз цикли бузилиши) бошланиши ва акнелар пайдо бўлиши вақтлари гуруҳларда аниқ фарқланмади.

Анамнез маълумотларини баҳолашда хайз циклининг бузилиши ТПКС бўлган аёлларда ББҚТД бўлган аёлларга нисбатан кўпроқ экани аниқланган (80,5% ва 56,5%; ОШ 3,17; 95%ДИ 1,18-8,53; $p=0,04$). Бироқ иккала гуруҳда ҳам ХЦ олигоменорея тури бўйича бўлган. ИГ гуруҳида ХЦБ кузатилмади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда гиперандрогения клиник белгиларининг қиёслама тавсифи

	ББҚТД, n=23		ТПКС, n=82		ИГ, n=91	
	n	%	N	%	n	%
Хайз циклининг бузилиши	13	56,5	66	80,5	-	-
Олигоменорея	11	47,8	54	65,9	-	-
Аменорея	2	8,7	12	14,6	-	-
Гирсутизм (гирсут сон ≥ 8 балл)	8	34,8	46	56,1	46	50,5
Терида акнелар пайдо бўлиши	4	17,4	10	12,2	24	26,4
Бепуштлик	9	39,1	39	47,6	11	12,1
Бирламчи (дастлабки)	5	21,7	27	32,9	6	6,6
Иккиламчи	4	17,4	12	14,6	5	5,5
Алопеция	6	26,1	16	19,5	28	30,8
Ривожланмаган сут безлари	2	8,7	0	0,0	0	0,0
Барифония	3	13,0	5	6,1	10	11,0
Маскулинизация	8	34,8	9	11,0	9	9,9
Клиторомегалия	5	21,7	1	1,2		
Жинсий тескари муносиблик	5	21,7				
Остеопения	5	21,7	1	1,2		
Остеопороз	3	13,0			1	1,1
ТВИ ≥ 27 кг/м ²	4	17,4	21	25,6	23	25,3

Гирсутизм ББҚТД бўлган аёллар умумий сонининг деярли учдан бир қисмида (34,8%), ТПКС беморларида 56,1% ва ИГ бўлган аёлларнинг 50,5%ида аниқланган. Гуруҳлар орасида аҳамиятли фарқлар кузатилмаган ($\chi^2=3,28$; $df=2$; $p=0,19$).

Андроген сезувчан соҳаларда соч меъёрдан ортиқ ўсиши ҳолатларини баҳолашда ҳам гуруҳлар орасида аҳамиятли фарқлар кузатилмади ($\chi^2=5,62$; $df=2$; $p=0,06$). Акне ва гирсутизмнинг пайдо бўлиши деярли чорак қисмида (23,7%) менархе бошланган ёш билан мос келган. Гирсутизм юзага келиш даври ва хайз циклининг бузилиши 26,6% беморда ёндош келган.

ББҚТД ва ТПКС гуруҳларида бепуштлиқ ҳолатлари сони фарқланмади (ОШ 1,41; 95%ДИ 0,55-3,62; $p=0,63$). Бепуштлиқ ББҚТДга (39,1%; ОШ 0,21; 95%ДИ 0,08-0,61; $p=0,006$) ва ТПКСга (47,6%; ОШ 0,15; 95%ДИ 0,08-0,33; $p<0,0001$) нисбатан ИГ бўлган аёлларда камроқ учраган. Дастлабки бепуштлиқ ТПКС бўлган аёлларнинг учдан бир қисмида қайд этилган. Иккиламчи бепуштлиқ бўйича гуруҳлар орасида аҳамиятли фарқланишлар кузатилмади ($\chi^2=4,98$; $df=2$; $p=0,08$). Аҳамиятли даражада бош тепа қисми ва пешона қисмидаги алопеция, шунингдек, марказий фарқ бўйлаб ён томонга кенгайиб борган тарздаги ҳолати текширилган аёлларнинг чорагида (25,5%) ташхисланди.

Гуруҳлар орасида алопециялар учраш частотаси фарқланмади ($\chi^2=2,88$; $df=2$; $p=0,24$). ББҚТД бўлган 2 нафар аёлда сут безларининг ривожланмаганлиги аниқланди (пальпацияда сўрғичлар соҳасида безсимон тўқимали бўшлиқлар аниқланди), бунда иккала беморда ҳам ХЦ аменорея турига оид ва демак, бепуштлиқ бўлган. Овоз тембрининг пасайиши аҳамиятсиз равишда ББҚТД гуруҳида кузатилди ($\chi^2=1,70$; $df=2$; $p=0,43$). Елка соҳаси катталашуши билан кечган маскулинизация белгилари ТПКС бўлган (11,0%; ОШ 4,33; 95%ДИ 1,44-13,0; $p=0,02$) ва ИГ аёлларига нисбатан (9,9%; ОШ 4,86; 95%ДИ 1,62-14,6; $p=0,008$) ББҚТД бўлган аёлларда (34,8%) аҳамиятли равишда кўпроқ аниқланди. ТПКС гуруҳида бир бемор аёлда клитеромегалия аниқланган. Кейинроқ ўтказилган генетик таҳлил бемор аёлда СҮР21А2 генининг С89Т-полиморф маркери мутациясини кўрсатди. ББҚТД аксарият аёллари ўзларини аёл сифатида тавсифладилар, бироқ 5 (21,7%) нафарида жинсий дезориентация аниқланган. Текширилаётган аёлларнинг қонида гонадотропин ва андрогенларнинг таҳлилида ББҚТД га хос бўлган гормонларнинг референс даражалари аниқланди. 17-ОНП даражаси >6 нмоль/л яқин катталиқ бўлиб, ББҚТДда скрининг учун қўлланилади. Тадқиқотда гормонларнинг референс кўрсаткичлари аниқланди. Шу тариқа, ББҚТД ва ТПКСларнинг дифференциал ташхиси учун референс кўрсаткичлар 17ОНП - $>4,48$ нмоль/л, умумий тестостерон - $>2,5$ нмоль/л ва ДГЭА - $>174,2$ мкг/мл, АКТГ - $>45,1$ нг/мл, кортизол - $<254,8$ нмоль/л, СССГ - $<43,8$ нмоль/л, андростендион - $>2,15$ нг/мл.га тенг бўлди. Лаборатор тадқиқот маълумотларига кўра, 17ОНПнинг ўртача базал даражаси ($18,8\pm 7,1$ нмоль/л), бошқа гуруҳ аёлларига нисбатан ББҚТД аёлларида аҳамиятли равишда юқори бўлган (2-жадвал).

**Текширилаётган аёллар гуруҳларида гипофизар-буйракусти беzi
тизимининг гормонлари миқдори**

Кўрсаткичлар	ББҚТД, n=23	ТПКС, n=22	ИГ, n=21	Назорат, n=25
17ОНП, нмоль/л	18,8±7,1●	4,14±1,2	2,63±0,7	3,51±1,1
Тестостерон, нмоль/л	3,96±1,5●	2,90±1,1*	1,84±0,4	1,46±1,08
ДГЭА, мкг/мл	192,2±72,4●	170,7±48,0	143,7±44,2	133,7±44,5
АКТГ, нг/мл	66,3±19,7	41,8±21,7	34,3±11,1	32,2±14,1
Кортизол, нмоль/л	218,8±61,9	307,2±70,2	328,9±93,0	334,9±140,1
СССГ, нмоль/л	50,7±17,7#	64,6±25,8	65,6±19,6	59,9±20,1
Андростендион, нг/мл	3,19±1,3●	1,86±0,9	1,72±0,9	1,77±0,61
ЛГ, МЕ/л	9,13±7,6	7,93±4,5	6,26±2,3	9,79±9,6
ФСГ, МЕ/л	7,04±4,9	4,12±2,4*	3,93±1,7#	8,90±7,5
ЛГ/ФСГ	1,54±1,1	2,24±1,3	1,56±0,8	1,12±0,49

Эслатма: * - фарқлар ББҚТД кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - p<0,05, # - p<0,01, ● - p<0,001)

ББҚТД бўлган аёлларда умумий тестостерон ва дегидроэпиандростерон (ДГЭА) миқдори (мос равишда 3,96±1,5 нмоль/л ва 192,2±72,4 мкг/мл) ИГ ва назорат гуруҳларига нисбатан анча юқори бўлди. СССГ миқдори ТПКС (64,6±25,8 нмоль/л) ва ИГ (65,6±19,6 нмоль/л) гуруҳлари кўрсаткичларига нисбатан ББҚТД аёлларида (50,7±17,7 нмоль/л) аниқ паст бўлди. Андростендион миқдори ББҚТД бўлган аёлларда (3,19±1,3 нг/мл) бошқа гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли равишда юқори бўлди. Қиёсланаётган гуруҳлар аёлларининг қон зардобларидаги ЛГ миқдори аниқ фарқларга эга бўлмади. ФСГнинг ўртача кўрсаткичлари ТПКС (4,12±2,4 МЕ/л) ва ИГ аёлларида (3,93±1,7 МЕ/л) ББҚТД аёлларига (7,04±4,9 МЕ/л) нисбатан анча паст бўлди. ЛГ/ФСГ ўзаро нисбати ТПКС аёлларида (2,24±1,3) ББҚТД аёллари (1,54±1,1) ва ИГ (1,56±0,8) аёлларига нисбатан юқори бўлди. Биз ўрганилаётган гуруҳларда гормонлар яқин кўрсаткичларининг учраш частотасини ўргандик. ББҚТД аксарият беморларида (17-ОКС >4,48 нмоль/л - 82,6% ва тестостерон >2,5 нмоль/л - 65,2%) гормонлар миқдори ТПКС бўлган аёллар гуруҳларига (мос равишда 36,4% ОШ 18,4; 95%ДИ 3,39-99,7; p=0,0004 ва 22,7%; ОШ 6,38; 95%ДИ 1,71-23,8; p=0,01) нисбатан юқорилиги кузатилди (3-жадвал).

Кейинги таҳлил шуни кўрсатдики, ДГЭА (47,8%) ва АКТГ (39,1%) >75 перц кўрсаткичлари ББҚТД гуруҳида ТПКС гуруҳи аёлларига нисбатан (мос равишда 13,6% ОШ 5,81; 95%ДИ 1,34-25,2; p=0,03 ва 9,1%; ОШ 6,92; 95%ДИ 1,29-37,3; p=0,04) кўпроқ учраган.

**Текширувдаги аёллар орасида гормонлар бўсаға
микдорларининг учраш сони**

Кўрсаткичлар	ББҚТД, n=23		ТПКС, n=22		ИГ, n=21	
	n	%	N	%	n	%
17ОНП >6 нмоль/л	17	73,9	1	4,5	-	-
17ОНП >75 перц (4,48 нмоль/л)	21	82,6	8	36,4	1	4,8
Тестостерон >75 перц (2,5 нмоль/л)	15	65,2	5	22,7	1	4,8
ДГЭА >75 перц (174,2 мкг/мл)	11	47,8	3	13,6	2	9,5
АКТГ >75 перц (45,1 нг/мл)	9	39,1	2	9,1	-	-
Андростендион >75 перц (2,15 нг/мл)	16	69,6	2	9,1	1	4,8
Кортизол <25 перц (254,8 нмоль/л)	12	52,2	4	18,2	1	4,8
СССГ <25 перц (43,8 нмоль/л)	8	34,8	1	4,5	1	4,8

Бундан ташқари, ББҚТЛ аёллари орасида кортизол (52,2%) ва СССГ (34,8%) <25 перц, микдори кўп беморлар ТПКС бемор аёлларига (мос равишда 18,2% ОШ 4,91; 95%ДИ 1,26-19,1; $p=0,04$ ва 9,1%; ОШ 4,5; 95%ДИ 1,26-99,3; $p=0,03$) нисбатан кўпроқ кузатилган.

Диссертациянинг «**СҮР21А2 гени полиморф маркёрлари учраш частотаси**», деб номланган учинчи бобининг учинчи бўлими СҮР21А2 генининг полиморф маркерларининг учраш сони ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу бобда буйракусти безлари туғма дисфункцияси, тухумдонлар поликистоз синдроми ва идиопатик гирсутизм бўлган аёллар орасида СҮР21А2 генининг полиморф маркерларининг учраш частотасини таҳлил қилиш бўлди.

Реал вақтда СҮ21 генидаги мутацияларни тадқиқ этиш мақсадида 86 аёлга ПЦР услуби ёрдамида генетик текширув ўтказилди, улардан 17ОНП даражаси юқори бўлган 46 аёл, ҳамда 42 нафар соғлом аёллар ташкил этди.

Тадқиқотимизда гетерозигот ҳолатида СҮ21А2 генининг р.Pro30Leu(c.89C>T) делецияси асосий гуруҳнинг 6 нафар ва назорат гуруҳининг 1 нафар беморида аниқланган. СҮР21А2 генининг I172N делецияси асосий гуруҳнинг гетерозигот ҳолатдаги 5 нафар ва гомозигот ҳолатдаги 2 нафар аёлларда кузатилган. Назорат гуруҳида мутацияларнинг гетерозигот тарқатилиши 1 бемор аёлда аниқланган. Гетерозигот ҳолатдаги V281L мутацияси асосий гуруҳдан 1 нафар ва назорат гуруҳидан 1 нафар аёлда кузатилган.

ББҚТД 3 нафар аёлда 2 ген бўйича мутациялар аниқланди (С89Т ва Т999А, G1683Т ва Т999А). Ушбу тоифа беморларида энг кўп учраган мутация I172N (15,2%) ва P30L (13,0%) делециялари бўлди. 4 нафар беморда (36,4%) кузатилган мутацияларда ББҚТД ноанъанавий шакли учун хос бўлди, 3 (27,3%)

беморда мутациялар касалликнинг ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий шакллариغا хос бўлди.

4-жадвал

СҮР21 генотипик мутациялари

Мутация	Гендаги жойлашуви	21-гидроксилаза кетма-кетлигидаги ўзгаришлар	Асосий, n=46		Назорат, n=42	
			N	%	n	%
C89T	Экзон 1	P30L	6	13,0	1	2,4
T999A	Экзон 4	I172N	7	15,2	1	2,4
G1683T	Экзон 7	V281L	1	2,2	2	4,8

«Буйрак усти беги қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган беморлар ҳаёт сифати ҳамда рухий-ижтимоий хусусиятлари», деб номланган тўртинчи бобида буйрак усти беги қобиғининг туғма дисфункцияси бўлган бемор аёлларнинг рухий-ижтимоий жиҳатлари ва ҳаёт сифати ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

